

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Турсунова Зарнигор Рустамовна

*Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети Менежмент кафедраси
таянч докторанти*

Аннотация: Ушбу мақолада давлат харидларини ташкил этиш , давлат харидларининг мамалакат иқтисодиётидаги ўрни, давлат харидларининг мақсади ҳақида маълумот берилган. Шунингдек Ўзбекистонда давлат харидларини ташкил этиш жараёнига таъсир этувчи омиллар борасида фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: Давлат харидини ташкил этиш, давлат харажатлари, давлат хариди, давлат харидларининг мақсади.

Мамлакат миқёсидаги ҳар қандай жараён шу давлат иқтисодий-ижтимоий ҳаёти учун жуда муҳим ҳисобланади. Бу жараёнларнинг натижаси салбий ёки ижобий бўлишига қараб, мамлакат аҳолисига давлатнинг иқтисодий механизми ва унинг таркибий қисмларига катта таъсир кўрсатади. Давлат хариди ҳам улкан ва мупаккаб механизм бўлиб, унинг тўғри ташкил этилганлиги ва мамлакат иқтисодиётига юқори самара келтириши муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлат хариди қонунчилигимиз билан мустаҳкамланиши зарур. Айнан қонунчилик давлат хариди механизмини такомиллаштириш ва унинг назоратини ташкил этишда кўмаклашади ҳамда давлат хариди субъектларининг манфаатлари ноҳақ бузилиши, қабул қилинган қонун қоидалардан четланишларни олдини олади.

Давлат харидларини ташкил этишда давлат қонун ҳужжатларига асосланган ҳолатда амалга оширилади. Давлат хариди — бюджет маблағлари ҳисобига ҳукумат ёки давлат идоралари томонидан сотиб олинган, мамлакатда ёки чет элларда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар. Бундай харид давлат томонидан давлатнинг ўз эҳтиёжлари аҳоли истеъмолини таъминлаш ва давлат захираларини яратиш мақсадларида амалга оширилади. Мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган саноат товарлари ва етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишда давлат маълум нархлар белгилайди ва давлат бюртмачилари давлат хариди платформаларининг бири орқали ўз харидини амалга оширади. Давлат хариди – бу бюджет тизими

бюджетларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидларидир. Соддароқ қилиб айтганда, давлат хариди деганда товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш тушунилади.

Давлат харидларининг вазифалари давлат бошқаруви фаолияти учун зарур товар, хизмат ва ишлар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ва турда, сифатда ва нархда таъминлашдан ташқари рақобатни ривожлантириш учун давлат харидларига кўпроқ тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундашдан иборатдир.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида халқаро тажриба ва иқтисодий ислохотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда давлат харидларини ташкил этиш бўйича ўзига хос тизим шакллантирилди. Бунда асосий урғу бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, харид жараёнида кичик бизнес субъектларига кўпроқ имтиёзлар бериш ҳамда давлат харидлари тизимининг мавжуд механизмини халқаро андозаларга мос ҳолда ташкил этиш хусусиятларига қаратилди. Ушбу ўринда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар орасида рақобат вужудга келади ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини сифатли ва рақобатбардош қилиб бюджет ташкилотларига таклиф қилади.

Давлат буюртмачилари 2 гуруҳга ажратилган: бюджет буюртмачилари ва корпоратив буюртмачилар. Бюджет буюртмачилари – давлат органлари, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтириладиган бюджет маблағларини олувчилар, давлат мақсадли жамғармалари. Корпоратив буюртмачилар – давлат корхоналари, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсларга тегишли бўлган юридик шахслар.

Ўз навбатида давлат харидлари тизимида замонавий шакл ва тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ҳаётий заруратга айланди. Давлат харидларининг такомиллаштирилиши ушбу соҳанинг мукамал қонунчилик базасини яратиш ва уни халқаро тажрибага мос равишда ривожлантириш билан ҳам узвий боғлиқдир.

Давлат харидлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва тадбиркорлар учун электрон харид қилиш имкониятини янада кенгайтириш борасида амалга

оширилаётган ислоҳотлар юксак самара бермоқда. Ўзбекистонда давлат харидларини самарали амалга ошириш борасида бир нечта электрон платформалар яратилиб давлат ва корпоратив харидларни амалга оширишда восита сифатида фойдаланилади.

Давлат харидлари соҳасида давлат томонидан тартибга солишнинг стратегик мақсадлари ҳамда вазифаларига эришиш, ривожлантириш давлат дастурлари ижроси, давлатнинг ижтимоий вазифаларини бажариш, давлат хизматлари кўрсатиш, бюджет ташкилотларининг, бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун давлат харидлари субъектларига қулай муҳитни шакллантириш, давлат харидларини амалга оширишда коррупцияга ва қонун ҳужжатларининг бошқача бузилишларига қарши курашиш унинг асосий мақсадларидандир.

Давлат харидларини амалга ошириш орқали иқтисодиётимизнинг турли соҳаларидаги ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар ўртасида рақобат юзага келиб, товар ва хизматларнинг сифатини ошириб, ўз товар ва хизматларини давлат бюджет ташкилотларига таклиф қилиши орқали мамлакат маҳаллий ишлаб чиқариш янада такомиллаштирилишига сабаб бўлади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар рақобатбардош сифатли ҳамда ҳамёнбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариши учун давлат хариди тўртки бўладиган омилларидан бири ҳисобланади.